



ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми ўтказилиши ҳақидаги хабарни эшитгач, шаҳар партия кенгаши билан боғландик. Пленумда қандай масала кўрилиши билан қизиқдик. Маълум бўлишича, унда «ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳининг электорат манфаатларига жавоб берадиган дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича ишларини янада такомиллаштириш тўғрисидаги масала муҳокама этилади. Бугун даврнинг ўзи сиёсий партиялардан улкан масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлишни талаб қилаётганлигини ҳисобга олсак, мавзунинг аҳамияти янада ойдинлашади.



Депутатлик назорати

партиямиз маҳаллий кенгашлари, айниқса, бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилса, янада самарали бўлади

► Давоми 2-бетда.

Хотин-қизлар

ижтимоий-сиёсий фаоллиги партиямизнинг жамиятдаги таъсир кучини оширади

ЎзХДПда СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси жами аъзоларининг 158 минг нафардан ортигини аёллар ташкил этади. 2009 йили сайловлар натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партиямиздан 8 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларига 43, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 384 нафар хотин-қиз депутат этиб сайланган. Шунинг ўзи ҳам партиямиз тизимида, сиёсат майдонда хотин-қизларнинг муносиб ўрни борлигини кўрсатади.



ЎзХДП Дастури, Сайлов-олди дастурида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун кенг йўл очилган кўмаклаш партиямизнинг эзгу мақсадларидан ҳисобланади.

Партия Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши томонидан Бўстонлик туманида ўтказилган сиёсий семинарда шу масалалар муҳокама этилди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидagi партия гуруҳлари аъзолари, бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси

аҳолини, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича иш билан тўлиқ таъминлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг масъулиятини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва қонун билан мустаҳкамлаш тарафдориди.

МУАММО ВА МУНОСАБАТ

Газеталаримизни вақтида ўқишингиздан манфаатдормиз

Обуначиларимиздан айримлари газеталаримизни ўз вақтида олмаётганлиги хусусида тахририятимизга қилган мурожаати сабабли ушбу масала вилоят мухбирларимиз ва партиямиз маҳаллий кенгашлари ёрдамида ўрганилди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан муносабат билдирилишини сўраб, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси раҳбариятига мурожаат қилдик. Улардан қуйидагича жавоб хатлари олинди.

«Жамият топириғига асосан хатда кўтарилган масалалар тегишли филиал мутахассислари томонидан жойларда атрафлича ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида, ҳақиқатан, Самарқанд вилояти Иштихон ва Пайриқўч туманларида алоқа тармоғининг чекка бўлимида «Ўзбекистон овози» газетаси бир-икки кун кечикиб етказилган аниқлашиб, айбдор ходимларга нисбатан интизомий

чоралар кўрилди.

...Сурхондарё вилояти Термиз ва Шўрчи туманларидаги обуначиларга газета ўз вақтида етказиб берилаётганлиги тўғрисида филиал раҳбари томонидан ёзма маълумот тақдим этилди.

...Келгусида даврий нашрларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш катъий назоратга олинишини билдираман.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори **Р.ҚОСИМОВ**

«...Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарини вилоятлар чекка туманларидаги обуначиларга етказиб бериш бўйича Компаниянинг барча вилоят корхоналарида белгиланган тартибда ўрганишлар ўтказилди.

Жумладан, Жиззах, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ушбу газеталарни обуначиларга етказиб берилиши тартиби қайта кўриб чиқилди.

Барча етказиб берувчиларга «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, ушбу газеталарга обуна уюштириш ва етказиб бериш тартиби юзасидан тушунтиришлар берилди. Ушбу газеталарни етказиб беришда юзага келаётган камчилик ва муаммолардан келиб чиққан ҳолда корхона раҳ-

бариятига ва Компанияга маълумотномалар берилиши бўйича яна бир бор оғохлантирилди.

Жорий йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Компания тизимидаги вилоят корхоналари раҳбарлари ва Компания масъул ходимлари малакасини ошириш курсларида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарига обуна уюштириш ва етказиб бериш тартиби кўриб чиқилиб, тушунтиришлар берилди.

Бугунги кунда Компания томонидан вақтли матбуот, айниқса, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга нашрларни тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш, обуначиларга сифатли тарзда ўз вақтида етказиб бериш, республикамиз аҳолисига юқори маданиятли хизмат кўрсатиш бўйича режалаштирилган ишларни амалга ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

«Матбуот тарқатувчи» АК бош директори **С.НАЖБИДИНОВ**

Тахририят ҳолис муносабат ва ўз вақтида берилган жавоблар учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК раҳбариятига миннатдорлик билдиради. Обуначилар — истеъмолчилар манфаати билан боғлиқ ушбу масала уларнинг доимий эътиборида бўлишига ишонамиз.

Хурматли газетхон! Ушбу масала бўйича сизда бирор эътироз бўлса, тахририятимизга мурожаат қилишингизни сўраймиз. Нашрларимизни вақтида ўқишингиздан, аввало, биз манфаатдормиз. Газеталаримизга бўлган эътибор ва меҳрингизни қадрлаймиз.

Тахририят

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш учун

фаолиятимизни изчил кучайтириш зарур



www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ЎзХДП Оқдарё туман кенгашида партия фаоллари иштирокида бошланғич ташкилотлар электорат орасида олиб бораётган ишларнинг самарасини ошириш масаласи муҳокама этилди.

— Бугун, аввало, электорат орасида олиб бораётган ишларимизни янги сифат босқичга кўтариш керак, — деди **туман партия кенгаши раиси Умар Исмоилов**. — Дастурий мақсадларимизни нафақат кенг тушунтириш, балки улар амалга ошишини назорат қилиб бориш, бу ишларга партия аъзолари, фаолларини кенг жалб

партия аъзолари ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширади

этиш талаб этилмоқда. Айниқса, қуйи бугун ижтимоийдан самарали фойдаланиш керак. Чунки БПТ фаолияти қониқарли бўлиши керак. Куйида етакчиларнинг одамлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириб борсак, бу орқали аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича ҳам аниқ натижага эришиш мумкин.

— Маҳалламизда ЎзХДПнинг 80 нафар аъзоси бор, — деди **«Авазали» маҳалласидаги**

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш

бошланғич партия ташкилоти етакчиси Асолат Каримова. — Жорий йилнинг ўтган даврида туман партия кенгаши ва депутатларимиз билан дастурий мақсадларимиз тарғиботида янги сиёсий технологиялардан фойдаланиш, ғояларимизни ҳаётга татбиқ этишда ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш мавзуларида сиёсий ўқувлар ташкил этилди. Партия аъзолари, электорат вакиллариди ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқиш ортиси, тақлиф айтишга иштиёқ кучайишида бу ўз самарасини бер-

ди. Демак, турли ижтимоий масалалар ва уларнинг ечимларига қаратилган тадбирларни кўпроқ БПТда ўтказсак, партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишини тажриба кўрсатмоқда.

Семинарда билдирилган бошқа тақлифлар ҳам умумлаштирилиб, бошланғич ташкилотлар ишини кучайтириш бўйича тавасиялар ишлаб чиқилди.

Шаҳноза **ПАРМАНОВА**,
ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши масъул ходими.

Ўтган йили Тошкент вилояти бўйича маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими раҳбарларига ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш юзасидан 50 дан ортиқ депутатлик сўрови юборди. Вилоят партия кенгашининг навбатдаги пленумида эса бу рақам имконият даражасидан анча камлиги таъкидланди.

Газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида бу ҳақда ўқишингиз мумкин.

